Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “31” январ даги 55-сон қарорига
1-илова

## Божхона йиғимлари ставкалари

| Т/р | Божхона йиғими тури | Йиғим ставкалари |
|---|---|---|
| 1. | Қуйидагиларнинг божхона расмийлаштируви учун*: | |
| | а) божхона юк декларацияси (БЮД)ни тақдим этиш орқали эквиваленти қуйидаги божхона қийматидаги товарларни тегишли божхона режимларида (“вақтинча сақлаш”, “давлат фойдасига воз кечиш”, “йўқ қилиш” ва мазкур банднинг “б”, “в”, “г” ҳамда “д” кичик бандларида кўрсатилган товарлардан ташқари): | |
| | 10 000 АҚШ долларигача | БҲМнинг** 1 баравари |
| | 10 000 дан 20 000 АҚШ долларигача | БҲМнинг 1,5 баравари |
| | 20 000 дан 40 000 АҚШ долларигача | БҲМнинг 2,5 баравари |
| | 40 000 дан 60 000 АҚШ долларигача | БҲМнинг 4 баравари |
| | 60 000 дан 100 000 АҚШ долларигача | БҲМнинг 7 баравари |
| | 100 000 дан 200 000 АҚШ долларигача | БҲМнинг 10 баравари |
| | 200 000 дан 500 000 АҚШ долларигача | БҲМнинг 15 баравари |
| | 500 000 дан 1 000 000 АҚШ долларигача | БҲМнинг 20 баравари |
| | 1 000 000 АҚШ доллари ва ундан ортиқ | БҲМнинг 25 баравари |
| | б) товарларни “транзит”, “божхона ҳудудида қайта ишлаш”, “божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш” божхона режимларида (бир дона декларация учун) | БҲМнинг 25 фоизи |
| | в) юридик шахслар томонидан олиб келинаётган нақд чет эл валютасининг (бир дона декларация учун) | БҲМнинг 2,5 баравари |
| | г) божхона кирим ордерини қўллаш орқали (бир дона ордер учун) | БҲМнинг 25 фоизи |
| | д) халқаро курьерлик жўнатмалари (1 кг (брутто) халқаро курьерлик жўнатмаси учун) | БҲМнинг 2 фоизи |

| | | |
|---|---|---|
| 2. | Декларант ёки декларацияловчи шахснинг БЮДга ўзгартириш ва қўшимча киритиш бўйича мурожаатига асосан БЮДни ўзгартириш ва (ёки) унга қўшимча киритиш учун (қоғоз шаклдаги БЮДда бир дона БЮД, электрон шаклдаги БЮДда бир дона БЮДни тузатиш шакли учун) | БҲМнинг 25 фоизи |
| 3. | Божхона расмийлаштируви учун белгиланган жойлардан*** ташқари ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтдаги божхона расмийлаштируви учун (божхона ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тартибда расмийлаштирувдан ўтказилган БЮДлар бундан мустасно): | |
| | а) божхона органлари иш вақтидан ташқари вақтлар****, дам олиш ва байрам кунлари (ҳар бир БЮД учун) | БҲМнинг 25 фоизи |
| | б) божхона органи ходими томонидан (унинг иштирокида) исталган божхона назорати давомида божхона кўригини, божхона назорати остидаги товарларни декларант томонидан кўздан кечирувни, юк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларни бажарганлиги (бир соатлик иш учун)*****: | |
| | божхона органлари иш вақтида; | БҲМнинг 25 фоизи |
| | божхона органлари иш вақтидан ташқари вақтлар, дам олиш ва байрам кунлари. | БҲМнинг 2 баравари |
| 4. | Эгаси божхона органи бўлган божхона омборида товарларни сақлаганлик учун (ҳар бир сутка учун)******: | |
| | дастлабки ўн сутка мобайнида (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган) 1 тонна (брутто) учун | БҲМнинг 3 фоизи |
| | ҳар бир кейинги суткалар учун (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган) 1 тонна (брутто) учун | БҲМнинг 4 фоизи |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битта автотранспорт воситасини қуйидаги масофаларга божхона ҳамроҳлигида кузатиб борганлик учун: | |
| | 200 км масофагача | БҲМнинг 2 баравари |
| | 200 км дан ортиқ масофагача | БҲМнинг 5 баравари |
| 6. | Божхона органлари томонидан товар бўйича дастлабки қарорни қабул қилганлик учун******* | БҲМнинг 75 фоизи |
| 7. | Жисмоний шахсларнинг чегара божхона постлари орқали нотижорат мақсадларда олиб кирилаётган, белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлган товарларини чегара божхона постлари томонидан вақтинча сақлаганлик учун ҳар 100 кг.гача оғирликка (брутто) тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ҳар бир календарь кун учун: | |
| | дастлабки беш кунда | БҲМнинг 5 фоизи |

QMMB: 09/25/55/0102-son
03.02.2025-у.



| | | |
|---|---|---|
| | кейинги ўн кунда | БҲМнинг 7 фоизи |
| | қолган кунларда | БҲМнинг 10 фоизи |
| | тез бузиладиган товарларни вақтинча сақлаганлик учун | БҲМнинг 15 фоизи |
| 8. | Декларантнинг мурожаатига асосан божхона органи томонидан транзит декларациясига ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун (ахборот тизимида декларацияловчи шахс томонидан ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш бундан мустасно) | БҲМнинг 10 фоизи |
| 9. | Бир интеллектуал мулк объектини божхона реестрига киритиш учун | БҲМнинг 1 баравари |

** Товарларни “вақтинча сақлаш”, “давлат фойдасига воз кечиш” ва “йўқ қилиш” божхона режимларига расмийлаштирганлик учун божхона йиғимлари ундирилмайди.*

*Дастлабки, вақтинчалик, тўлиқ бўлмаган ва даврий декларациялаш орқали товарлар расмийлаштирилганда, божхона расмийлаштируви учун йиғим фақатгина дастлабки декларациялашда бир марта ундирилади.*

*Товарлар бўйича дастлабки декларациялаш амалга оширилганда божхона йиғимининг 20% миқдорида чегирма тақдим этилади.*

*Халқаро курьеклик жўнатмасининг вазни граммда кўрсатилган ҳолларда, оғирлик килограмм кўрсатгичига яхлитланади (мисол учун 0,1 – 1,4 кг. гача =1 кг; 1,5 кг = 2 кг (брутто)).*

*** БҲМ – базавий ҳисоблаш миқдори.*

**** Божхона расмийлаштирувини амалга ошираётган ходим хизмат олиб борадиган божхона пости ва унга бириктирилган божхона омбори, эркин омбор ҳамда бож олинмайдиган савдо дўкони, шунингдек, уларга бевосита туташ бўлган доимий божхона назорати зоналари божхона расмийлаштируви жойлари ҳисобланади.*

***** Божхона органларининг бошлиқлари томонидан тасдиқланган кун тартибига мувофиқ иш вақтидан ташқари вақтда БЮД расмийлаштирганлиги БЮДнинг “D” графасига божхона органи томонидан белги қўйилган вақт орқали аниқланади. Бунда тадбиркорлик субъектининг божхона расмийлаштирувини иш вақтидан ташқари вақтда расмийлаштириш учун розилиги олиниши лозим.*

****** Божхона органи томонидан бир соатдан кам бўлган вақт сарф қилинган тақдирда, божхона йиғими бир ходимнинг тўлиқ бир соат иш вақти учун ундирилади.*

******* Суд қарорига асосан давлат фойдасига ўтказилган ёки йўқ қилинадиган товарларни сақлаганлик учун йиғим ундирилмайди.*

******** Дастлабки қарор бекор қилинганда, ўзгартирилганда ёки қайтиб олинганда уни қабул қилганлик учун тўлов қайтарилмайди.*

*Изоҳ: мазкур илованинг 1-позиция “а” кичик банди ҳамда 3-позиция 2026 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.*